

“КЕЛИШИЛГАН”

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Навоий вилояти
Қурилиш бош бошқармаси

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
бошқарув раиси ўринбосари в.б.



М.К. Раджапов

« _____ » 2022йил

« _____ » 2022йил

“Учқудук туман ҳудудидаги янги ташкил этиладиган қурилиш
материаллари ва уй-жой қурилиши кластерлари учун 3,2 км темир
йўлларини қуриш” объекти бўйича ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш учун

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Тошкент- 2022йил

Т/р	Асосий маълумотлар ва талабларнинг номлари	Асосий маълумотларнинг таркиби ва талаблар
1	2	3
1.	Буюртмачи	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Капитал қурилиш дирекцияси 100 060, Тошкент шаҳар, Т.Шевченко кўчаси 7 уй; Тармоқлараро айланма (МФО) коди 00 875; Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ Миробод филиали х/р 2021 0000 4026 9891 6001; СТИР 202 342 708; ҚҚС тўловчи рўйхатга олиш коди 326 010 005 344.
2.	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-139 сонли “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш метариаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорининг 3-илова 19-20 бандлари «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2022 йил 11 апрелдаги 309-Н - сонли буйруғи.
3.	Қурилиш тури	Янги қурилиш.
4.	Молиялаштириш манбалари	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ўз маблағлари.
5.	Лойиҳанинг тахминий ҳисоб-китоби	Лойиҳада аниқланади.
6.	Лойиҳа ташкилотининг номи-бош лойиҳачи	Танлов асосида.
7.	Пудрат ташкилоти	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2021 йил 16 июлдаги 734-Н - сонли буйруғига мувофиқ «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг таркибий бўлинмалари.
8.	Объектнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари, шу жумладан қуввати ва унумдорлиги	Учқудуқ туман “Боздун” ОФЙ саноат зонаси ҳудудига олиб борувчи узунлиги 3,2 км бўлган шаҳобча темир йўл қурилиши
9	Маҳсулотларнинг рақобатбардошлилиги ва экологик параметрлари сифатига қўйиладиган талаблар. Технология, корхона тартибига	Миллий хусусиятларни, амалдаги ташкилот талабларини инобатга олиб, маҳаллий қурилиш материаллари, қурилмалари ва жиҳозларидан максимал даражада фойдаланган ҳолда лойиҳалаштириш ва қуриш учун Ўзбекистон Республикасида жорий қилинган амалдаги қурилиш меъёрий ҳужжатларига риоя қилинсин.

	қўйиладиган талаблар	
10.	Архитектура – қурилиш, ҳажмий – режалаштириш ва конструктив қарорлар, биноларни безатиш, таркибий ечимларига бўлган талаблар	Маҳаллий қурилиш материаллари, қурилмалари ва ускуналардан максимал даражада фойдаланиб, шунингдек минтақанинг ўзига хос хусусиятлари ва миллий хусусиятларини, қолаверса антисейсмик талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш ва қуриш учун Ўзбекистонда шаҳарсозлик қоидаларига амал қилинсин.
11.	Кичик меъморий шакллар ва ободонлаштиришга бўлган талаблар	Норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилсин.
12.	Кўтариб ва чегаралаб турувчи қурилмалар материаллари ҳамда конструктив тузилмаларга қўйилган асосий талаблар	Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган ва амалдаги шаҳарсозлик норматив ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилсин.
13.	Муҳандислик ва технологик жиҳозларга қўйилган асосий талаблар, технологик жиҳозларнинг рўйхати	Лойиҳада, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан максимал даражада фойдаланиб, лойиҳалаштирилган объектнинг мақсадга мувофиқ мос келадиган замонавий технологик сертификатга эга ускуналар ва қурилмалар ва ускуналарнинг технологик жараёнларда ишлашни таъминлашни инобатга олиб ишлаб чиқилсин. Ускуналарнинг батафсил рўйхати лойиҳада белгиланади.
14.	Автоматлаштириш ва диспетчерлик учун асосий талаблар	Норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ замонавий автоматлаштирилган сигнализация ва телекоммуникация тизимлари кўзда тутилсин.
15.	Меҳнат хавфсизлиги ва санитария-гигиена талаблари	Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология нормалари ва қоидалари ҳамда темир йўл транспортида йўловчиларни ташишни ташкил этиш санитария талабларига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилсин.
16.	Лойиҳалаш учун бюртмачи томонидан тақдим қилинадиган дастлабки бирламчи маълумотлар рўйхати	Буюртмачи томонидан лойиҳани ишлаб чиқувчининг талабларига мувофиқ лойиҳалашда зарур бўлган бирламчи маълумотларни ва архитектура-режалаштириш топшириғини (АРТ I, II қисмларини) тақдим қилинади.
17.	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талаблари	Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик, санитария ва ёнғин хавфсизлиги меъёрлари ва қоидаларига риоя қилиш чоралари кўрилсин.

ШК

		<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 949-сонли қарорига мувофиқ “Атроф-муҳитга таъсири тўғрисида ариза” лойиҳаси ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсирини амалга ошириш натижасида атроф-муҳитга етказиладиган зарарни миқдорий баҳолаш ва таклиф қилинган чора тадбирларни ҳисобга олган ҳолда унинг салбий таъсирини камайтириш, асосий хавф омилларини, табиат ва ўзгариш доираси хавфларини қисқартириш бўйича чора-тадбирларни белгиловчи экологик хавфларни баҳолаш; Лойиҳавий ва техник қарорларни қабул қилишда экологик ёки юқори турувчи меъёрий қоидаларга амал қилган ҳолда ишлаб чиқилсин. Қурилиш тугалланиши билан “Экологик оқибатлар тўғрисидаги ариза” ишлаб чиқилсин.</p>
18	<p>Нархни шакллантириш бўйича талаблар</p>	<p>Объект қурилишининг шартномавий нархлардаги баҳоси ШНҚ 4.01.16-09 “Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари”га мувофиқ аниқлансин.</p> <p>Смета ҳужжатларининг таркиби:</p> <ul style="list-style-type: none"> - рўйхат (лойиҳанинг мазмуни локал смета ҳисоб-китоблари бўйича рақамланган саҳифалари билан); - қурилиш нархини ҳисоблаш методологияси тушунтириш хати билан; - йиғма смета нархини ҳисоблаш (қурилишнинг бошланғич қиймати, объектнинг батафсил йиғма ҳисоби, шартнома – шартнома қийматлари); - лойиҳада кўзда тутилган барча объектлар учун ишлаб чиқилган маҳаллий ва ресурс сметалар жадваллари; - машина ва механизмларнинг фойдаланиш ва бошқа харажатлари нархи; - ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш даврида, жорий нархлардаги мураккаб бозор рақобатларига мувофиқ бўлган смета ҳисоблашлари бажарилсин.
19.	<p>Лойиҳалаштиралаётган объектнинг таркиби</p>	<p>Лойиҳада шахобча темир йўли қурилиши барча тегишли инфратузилмалар билан биргаликда керакли иншоотлар Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида техникавий фойдаланиш қоидалари (ПТЭ), ШНҚ ва ҚМҚ талабларига ва меъёрлари ҳужжатларга, қурилиш габарит ўлчовлари ГОСТ 9238ларга асосан ва объект талабларини инобатга олган ҳолда, шунингдек жалб қилинган вазирлик ва идораларнинг техник шартлари ва буюртмачи томонидан тақдим этиладиган маълумотларга асосан</p>

лойиҳалаштирилсин.

-эгри йўлларда энг кичик радиус ва баландлик амалдаги меъёрий техник хужжатларга асосан лойиҳаланиши керак;

-юк ортиш ва тушириш йўлларининг керакли сони ва уларнинг фойдали узунлиги лойиҳада ҳисоблаш йўли билан аниқлансин;

-эгриликларда тупроқ кўтармаси кенглиги белгиланган меъёрларга асосан кенгайтирилсин;

-темирбетон шпалларнинг эпюраси амалдаги меъёрий техник хужжатларга асосан олинсин;

-балласт чақиқ тошдан бўлиши керак;

-релслар – Р-65 ёки Р-50 турда бўлиши керак;

-қум кўчадиган участкаларда тупроқ кўтармаси химоя воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак;

-шпаллар темир –бетон шпаллардан ёки лозим бўлса ёғоч шпаллардан бир километрда 1600 донадан кам бўлмаган миқдорда бўлиши лозим;

-балласт тури, қалинлиги ва кенглиги амалдаги меъёрий хужжатларга мувофиқ бўлиши лозим;

-темир йўллар горизонтал майдончада жойлашиши керак, айрим холларда уларнинг қиялиги 0.0015% дан ошмайдиган қияликларда, қийин шароитларда 0.0025% дан ошмайдиган қияликда жойлашиши мумкин, темир йўл эгрилиги 150 м дан кам бўлмаслиги лозим, темир йўлининг тугаш қисмида тўхтатиш призмалари қурилиши лозим, ва темир йўлнинг қиялиги тўхтатиш призмалари томонга йўналтирилган бўлиши шарт.

-вагонларни бошқа йўлларга ва қабул қилиш маршрутларига ўз-ўзидан чиқиб кетишини олдини олиш учун сақловчи қўшимча йўллар (тупик) ёки улоқтирувчи стрелкали ўтказгичлар билан таъминланиши лозим.

-вагонларга юк ортиш ва тушириш операцияларини бажариш учун механизм ва мосламаларини зарурлигини кўриб чиқиш ва таъминлаш;

-юк ортиш ва тушириш жойларига электр ёритувчи асбобларини ўрнатиш;

-шаҳобча йўл ва НКМК станцияси масъул ходимлари билан алоқа ташкил қилиш;

20.	Энергия самарадорлигини таъминлаш бўйича қабул қилинадиган лойиҳавий ечимлар	Лойиҳалашда замонавий ва энергия тежайдиган ускуналардан фойдаланиш ҳамда қурилмаларни энергия ўлчаш асбоблари билан жиҳозлаш кўриб чиқилсин.
21.	Фуқаро муҳофазаси ва фавқулудда вазиятлар олдини олиш бўйича муҳандислик чоратадбирларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар	Лойиҳалашда Навоий вилояти Фавқулудда вазиятлар бошқармаси техник шартларига ва меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилинишини инобатга олинсин.
22.	Ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган аҳоли гуруҳлари ҳаракатланиши учун яратилган шароитларга қўйилган талаблар	Лойиҳалашда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ва ўрнатилган тартибда Ўзбекистон ногиронлар жамияти билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилсин. Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меъёрий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари Навоий вилояти ногиронлар жамияти билан келишилган бўлиши керак.
23.	Лойиҳада ёнгин хавфсизлиги бўлимини ишлаб чиқишга қўйилган талаблар	Ёнгин хавфсизлиги ва хавфсизлик талабларига мувофиқ ишлаб чиқилсин.
24.	Кўргазма, намоиш материалларига қўйилган талаблар	Объект ва унинг таркибидаги қурилишларнинг кўриниши намоиши (<i>демонстрационные</i>) материалларни, ички (<i>интерьер</i>) ва ташқи (<i>экстерьер</i>) қиёфаси лойиҳалари ишлаб чиқилсин.
25.	Корхона, ташкилотларнинг иш тартиби	Йилига 365 (366) кун, кечаю-кундуз.
26.	Ташқи транспорт алоқалари ва етказиб бериш схемаси	Транспорт алоқалари мавжуд маҳаллий транспорт маршрутлари билан боғлансин. Хом-ашё, материаллар, ускуналарни корхонага олиб кириш ва олиб чиқишни ташкил этиш схемалари кўриб чиқилсин.
29.	Қурилишнинг белгиланган муддати (йил)	2022-2023йил. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21февралдаги ПҚ-139 сонли “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш метариаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорининг 3-илова 19-20 бандлари

30.	Муҳандислик қидирув ишларига қўйилган талаблар	Муҳандислик-геодезия, геология ва гидрогеологик тадқиқотлар лойиҳалаш учун зарур бўлган ҳажмда амалга оширилсин. Қурилиш устидан муаллифлик назорати, лойиҳаларни ишланма бошланишидан амалга татбиқ этилишининг охиригача техникавий кузатув олиб борилсин.
31.	Қурилишнинг алоҳида шартлари	а) zilzila жиҳатидан хавфлилиги – 6 балл; минтақанинг иклими - IV зона. б) тупроқ шароитлари – муҳандислик ва геологик тадқиқотлар билан аниқланади; в) ер ости сувлари – муҳандислик ва гидрогеологик тадқиқотлар орқали аниқлансин.
32.	Лойиҳалашнинг алоҳида шартлари	Буюртмачига тақдим қилишдан олдин, келишилиши лозим бўлган лойиҳа ҳужжатлари мутасадди вазирликлар, манфаатдор идоралар, тегишли ташкилотлар билан келишилган бўлиши талаб қилинади.
33.	Қурилиш объектининг мураккаблик тоифаси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 августдаги 496 сонли “Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда объектларнинг хавф-хатарлар тоифалари таснифини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ қурилиш объектининг мураккаблик тоифаси - IY.
34.	Қўшимча талаблар	Лойиҳа Навоий вилояти Қурилиш бош бошқармаси ҳамда бошқа тегишли ташкилот ва идоралар билан келишилсин. Лойиҳани амалга ошириш доирасида харид қилинадиган товарлар, материаллар, ишлар ва хизматлар бозори ва нархлари таҳлил қилиб ўрганилсин. Камида 3 та компаниянинг тижорат таклифлари (прайс-варақлар ва бошқалар) асосида харид қилинаётган ускуналар нархини асослантириш; Лойиҳа-смета ҳужжатлари 4 нусхада , лойиҳалар, сметалар, ҳамда қурилмалар рўйхати электрон шаклда тақдим қилинсин. Қўшимча лойиҳа-смета ҳужжатлари нусхалари шартнома орқали тақдим қилиниши ҳисобга олинсин. Лойиҳа-смета ҳужжатлари 2 ойдан ошмаган муддатда ишлаб чиқилсин.
35.	Лойиҳалаштириш босқичи	Ишчи лойиҳа-тасдиқловчи асосий техник-иктисодий кўрсаткичлар, чегаравий қиймат ва

		ишчи ҳужжатлардан иборат.
36.	Қурилишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш (ПОС)	ШНҚ 1.03.01-16 “Бино ва иншоотлар, корхоналарни капитал қуриш лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаш ва келишиш, ишлаб чиқиш тартибига” мувофиқ қурилишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш.
37.	Ишчи лойиҳанинг тасдиқланадиган қисмининг таркиби	Лойиҳа таркибида ишлаб чиқилсин: - умумий тушунтириш хати; - меъморий-қурилиш ечимлари; - техник, технологик ечимлар; - қурилиш қиймати; - энергия самарадорлиги.

*- қурилишнинг стандарт вақти қурилишни ташкил этиш лойиҳаси (ПОС) ишлаб чиқилгандан кейин белгиланади.

**Капитал қурилиш дирекцияси
бош муҳандиси ўринбосари**



У.М. Тоштемиров